

## «Гуноҳ бўлмаса, бало тушмас. Тавба бўлмаса, бу кўтарилмас»



12:13 / 29.06.2024 2551

Ҳозирги кунимизда фавқулодда ҳолатга дучор бўлганларга ёрдам бериш энг мақталган ишлардан бирига айланиб қолган. Аммо бундай ишларга ким асос солганини билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Ҳижрий 17 йил Ислом тарихида «Рамода», яъни «Очлик йили» номи ила машҳурдир. Ўша йили қаттиқ қаҳатчилик, очлик ҳукм сурган. Ана шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу аҳолини ҳалокатдан сақлаб қолиш учун катта тадбиркорлик ва фидокорлик кўрсатганлар.

Ибн Саъд Асламдан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Язид ибн Ухту Намир, Мисвар ибн Махрама, Абдурраҳмон ибн Абд Қорий ва Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд розияллоҳу анҳулар ҳар кеча Умар

розияллоҳу анхунинг ҳузурларида тўпланиб, қилган ишлари ҳақида хабар берар эдилар.

Улардан ҳар бирлари Мадинанинг бир ноҳиясига қарар эди. Аъробийлар Раъсус-санийя, Ротиж, Бану Ҳориса, Бану Абдул Ашҳал, Бақийъ, Бану Қурайза, бир қисмлари Бану Салама ноҳиясига тушган эдилар. Улар Мадинага тўлиб кетишган эди. Бир неча одамлар овқат қилиб бўлганларидан кейин Умарнинг «Бизнинг олдимизда кечки таом еганларни ҳисоблаб чиқинглар» деганини эшитдим. Ҳисоблашган эди, етти минг киши чиқди.

«Бу ерга келмаган аҳли аёл, бемор ва болаларни ҳам ҳисоблаб чиқинглар», деди у.

Ҳисоблашган эди, қирқ минг киши чиқди.

Сўнг бир неча кеча ўтди. Одамлар кўпайди. У яна амр қилди. Ҳисоблашган эди, унинг ҳузурида кечки таом еганлар ўн мингта, бошқалар эса эллик мингта чиқди.

Кўп ўтмай, Аллоҳ осмондан ёмғир ёғдирди. Шунда Умар ҳалигиларнинг ҳар бир ноҳиясига бир вакил тайин қилиб, одамларни чўлга чиқаришини буюрди. Уларга егулик ва чўлга олиб кетиш учун юк ҳам беришар эди. Умарнинг ўзи ҳам уларни ташиётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Аслам айтадики: «Улар орасида ўлим тарқалган эди. Менимча, учдан иккиси ўлиб, бир қисми қолди. Умарнинг қозонлари устида одамлар тик туриб, тонг отгунча каркур пишириб чиқишарди. Сўнг беморларга берар эдилар. Асоид (ун билан ёғ) ҳам пишириб беришарди. Умарнинг буйруғи билан катта қозонларга ўт ёқилиб, ёғ қайнатилар, совиганидан кейин нонга булаб, сарийд қилинар ва ҳалиги ёққа қўшиб ейиларди.

Араблар ёғ есалар, иситмалари чиқар эди. Умар Рамода замонида на ўз болаларидан бирортасининг уйида ва на хотинларидан бирортасининг уйида таом емади. То Аллоҳ одамларга жон киргизгунича фақат улар билан кечки таом ер эди, холос».

Ибн Саъд Фирос Дайламийдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху ҳар кеча дастурхони учун Амр ибн Ос розияллоҳу анху Мисрдан юборган туялардан йигирматасини сўяр эдилар».

Шу билан бирга, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Аллоҳдан эл-юрт бошидан бу балони кўтаришини сўраб, суннатга мувофиқ оммавий ибодатни ҳам ташкил қилганлар.

Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қаҳатчилик бўлганда Аббос ибн Абдулмутталиб билан истисқо[1] қилди:

«Аллоҳим! Биз Сенга Пайғамбаримизни васила қилар эдик, Сен бизни сероб қилар эдинг. Энди эса Сенга Пайғамбаримизнинг амакисини васила қиламиз. Бизни сероб қилгин», деди. Яна: «Сероб қилинурлар», деди».

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу одамларни тўплаб, ўзлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чопонларини кийиб олиб, кишиларни намозгоҳга бошлаб чиққанлар ва ҳазрати Аббос розияллоҳу анҳунинг васила қилиб, истисқо қилганлар.

Ривоят қилинишича, ўша куни Аббос розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолога тазарру қилиб: «Аллоҳим! Гуноҳ бўлмаса, бало тушмас. Тавба бўлмаса, бу кўтарилмас. Мана, биз қўлларимизни ўзингга очиб, гуноҳларимизни эътироф қиламиз. Бошларимизни Сенга эгиб, тавба қиламиз. Бизни нажот ёмғири ила сероб қилгин», деганлар. Шунда ёмғир қуйиб ёққан. Ер тўйиб, одамларга жон кирган.

Кўпчилик уламоларимизнинг таъкидлашларича, ўша йили Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўфрига ҳад жазоси бериш ҳукмини ҳам вақтинча тўхтатганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига Музайна қабиласидан бировнинг туясини ўғирлаган бир неча йигитни ушлаб, олиб келишди. Ҳазрати Умар уларга ҳад жазоси беришни амр қилдилар. Шунда баъзилар бу йигитлар Ибн Ҳотиб ибн Балтаъа исмли кишининг йигитлари эканини, хўжайинлари уларга овқат бермаганидан туя ўғирлаб, сўйиб ейишга мажбур бўлганларини айтишди. Ҳазрати Умар ҳукми дарҳол бекор қилдилар. Хўжайинни чақиртириб келиб, койидилар ва уни ўғирланган туянинг пулини икки баробар тўлашга амр қилдилар. Шундан кейин ҳозирча ўфрига ҳад жазоси бермай туриш ҳақида фармон чиқардилар.

Баъзи кишилар бу ишни шариатнинг ҳукмини вақтинча бекор қилиш деб атайдилар. Аслида эса бу иш шариатнинг ҳукмини ўз ўрнида ишлатишдир.

Ислом жамияти ўз аъзоларининг ижтимоий таъминотларини яхшилаб йўлга қўяди. Аввало, ночор кишиларнинг нафақасини яқин қариндошларига Аллоҳнинг олдидаги диний бурч сифатида вожиб қилади. Ота фарзандларига, эр хотинига, ака укаларига, фарзанд ота-онасига ва ҳоказо нафақа бериши шарт. Яъни бой қариндошлар ночорларига нафақа беришлари вожиб. Ўз ихтиёрлари билан беришмаса, қози ҳукм чиқариб, мажбур қилади.

Ночор инсоннинг яқин қариндоши бўлмаса, унга жамият ёрдам қўлини чўзади, бой мусулмонлар нафақа берадилар. Иш берувчи ишчига нафақа беради ва ҳоказо. Агар бу чоралар қўлланмаган бўлса, ўғрилиқ содир этилса, жамият унга ҳад жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқаришга ҳақли бўла олмайди.

Худди шунинг учун очлик йилида, жамият одамларни таъминлай олмай қолганида, шариат руҳини дақиқ нуқталаригача тушунган халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шариатнинг ҳукмига биноан, вақтинча ўғрига ҳад жазоси бермай туришни жорий қилдилар.

### **«Ислом тарихи» китоби биринчи жуз**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

[1] Истисқо – қурғоқчиликда Аллоҳ таолодан сероблик, ёмғир сўраш. Бунда махсус истисқо намозини ўқиб сўраш ҳам, фақат дуо қилиб сўраш ҳам мумкин. Ҳанафий мазҳаби иккинчи фикрни қабул қилган.